



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
16 август
ЧОРШАНБА
№ 64
(11.867)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Янгийўл шаҳри: ҲАР ЖАБҲАДА ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ НАМОЁН

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БИМНИ



1. ЎЗ НОМИГА МУНОСИБ

Мустақиллик йиллари Янгийўл шаҳрини ўз номига монанд гўшага айлантирди, десак муболага қилмаган бўламиз. Боси, айнан шу қисқа вақт ичида шаҳар жамоли, фойз-тароватидан тортиб, одамларнинг кундалик ҳаёти, турмуш тарзига янги мазмун-моҳият касб этди.

хоналар, 400 дан зиёд микрофирмалар, 14 та қўшма, 6 та саноат корхонаси, 7 та ҳиссадорлик жамияти, 26 та қурилиш ташкилоти, 14 та коммунал ва 6 та транспорт хизмати кўрсатувчи тузилмалар ишлаб турибди. Улар фаолияти учун кенг йўл очиб бериш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда. Утган йил яна 70 та хўжалик юритувчи

риш бирлашмаси, хорижий сармояли «Янгийўл ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти, «Янгийўл полиграф центр» каби корхоналар довруғи бутун мамлакатга таралди. Шунингдек, шаҳарда қулай ва сифатли транспорт, алоқа ва коммуникация тизими шаклланди. Барча аҳоли пунклари табиий газ ва тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминланди.

— Кейинги вақтлар

ишлаб чиқариш тармоқлари ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг жадал ривожланиши ўз-ўзидан ижтимоий жабҳалардаги юксалишларга замин яратмоқда. Буни замонавий ўқув муассасалари, коллежлар, сифатли, тезкор тиббий хизмат муассасалари, маданият ва маънавият масканларининг бугунги киёфаси мисолида яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, азалдан илму маърифат, маданият ва маънавиятнинг юксалишида Янгийўл шаҳри ҳам муносиб ўрин тутиб келади. Бу заминдан эл-юрт хизматига камарбош, қўллаб-қўйиш инсонлар, етук илму маърифат зиёлилари, олим фузалолари етишиб чиққан. Ҳозир ҳам шаҳарда хайри анъаналар давом этиб, катта авлоднинг муносиб издошлари, ворислари камол топаётир.

Шаҳардаги 12 та умумтаълим мактаби, 3 та касб-ҳунар коллежи, 1 та махсус лицейда қарийб 13 мингга яқин эртанги кун давомчилари маърифат чўққиларини эгалламоқдалар. Ундан ортик кутубхона, кўплаб спорт майдончалари ва маданият-маънавият муассасалари улар ихтиёрида.

Мухтасар қилиб айтилса, Истиқлол йилларида бу ҳудуд ҳар жабҳада ўзининг дадил ва тезкор одимлари билан назарга тушди. Энг улуг, энг азиз айёмимиз — Ватанимиз эрк ва озодлик тўйининг 15 йиллик тантаналарига тобора оз фурсат қолаётган шухули кунларда шаҳарнинг бугуни ва эртанги истиқбол хусусида сўзлаш гоят мароқлидир.

ПРЕЗИДЕНТ СОЧИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 август кунини Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига (ЕврАзЭС) аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этиш учун Россия Федерациясининг Сочи шаҳрига жўнаб кетди.

Сочи учрашувида ўзаро иқтисодий интеграцияни ривожлантиришга, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни

мустаҳкамлашга, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга, шунингдек, Божхона иттифоқи, ягона иқтисодий макон, умумий энергетика бозорини ташкил этишга оид масалаларнинг муҳокама этилиши режалаштирилган. Президентлар Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини ривожлантириш йўллари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ЎЗА.

Чирчиқдаги «Электримёнао» очик турдаги акциядорлик жамиятида Мустақиллик байрами арафасида янги маҳсулот — турли русумдаги катализаторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Бугунги кунда олти мингдан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бу корхонада 30 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Жамоа томонидан ўтган 2005 йилда 402 минг тоннадан зиёд аммиакли селитра, 132 минг тонна карбамид, 103 минг тонна сульфат-аммоний каби минерал ўғитлар тайёрланди. Биргина ўтган йили корхона 96 миллион доллардан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарди.

Бунинг 16 миллион 568 минг АҚШ доллари қийматидаги қисми Россия, Хитой, Эрон, Покистон, Туркия, Словакия, Латвия, Литва, Козогистон, Тожикистон, Қирғизистон,

Туркменистон, Афғонистон каби давлатларга экспорт қилинди. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида ҳам бу ерда 58 миллион доллар маҳсулот тайёрланди. Бунинг ҳам 10 миллион 518 минг АҚШ долларига тенг қисми хорижга чиқарилди.

Бу йилда корхонамизда, — дейди акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбасари Баҳодир Салимов. — «СА-СВ», «ГИАП», «НТК-4», «САС» сингари катализаторлар ҳамда фойдаланилган катализаторлардан рух оксидини ажратиб олиш ва янги «ЧПС-03» катализаторини тайёрлаш ўзлаштирилди.

Бу янги маҳсулотлар



кимё, қолаверса, нефть-газ саноатида табиий газ таркибидagi олтингуртун тозалашда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, корхонамиз кристалланган сульфат-аммоний, кучли азот кислотаси, металл натрий сингари кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягонадир. Йил охиригача бу ерда 110 миллион доллар маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг умумий кўриниши; ишчи Виктор Бежин ва Азиз Шохуажавлар пулт ёнида.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Бу ерда кенг ва раван йўللар қурилди, боғ ва хиёбонлар ободонлашиб, гажум масканга айланди. Янги ижтимоий объектлар, катта-кичик корхоналар, ишлаб чиқариш тузилмалари бунёд этилиб, ишга туширилди. Бир сўз билан айтганда, бир вақтлар олис-олислардан карвон кўнғироқлари жаранги эшитилиб турадиган, соя-салқин боғларида савдо-тижорат аҳли бир муддат дам олиб, хордик чиқарадиган Буюк Ипак Йўли устидаги мўъжазгина қишлоқ бугун кўркем ва замонавий шаҳар киёфасига кирди...

Ҳозир шаҳардаги 12 та маҳаллада 60 мингдан ортик аҳоли яшамоқда. Уларни ҳар жиҳатдан муҳофаза қилиш, фаровонлигини таъминлаш,



қулай турмуш ва меҳнат шaroитларини яратиш мақсадида шаҳарда кенг кўламли, аниқ мақсад-режали вазибалар амалга оширилаётир. Аини вақтда бу ерда 80 дан ортик кичик кор-

корхона ва ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтказилди. Юздан ортик янги иш ўринлари яратилди. Тўртта саноат корхонасида экспортга маҳсулот жўнатилапти. Шаҳардаги «Лаззат» ишлаб чиқа-

асосий куч ва имкониятларимизни шаҳримизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришга қарата-япмиз, — дейди шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаев. — Саноат тизими,

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН АНЖУМАН

Ўртачирчиқ тумани ҳокимлигида «Тадбиркор — элга мадақдор» мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан ташкил этилган семинарга тумандаги 200 дан ортик тадбиркор ва фермерлар таклиф этилди. Шунингдек, анжуманда улар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида янги марказ иш бошлади.

Мўмин ИБODOV.

МАДАНИЯТ МАРКАЗИ ҲОМИЙЛИГИДА

Оққўрғон туманидаги 8-мактабда ўқув машғулоти турки тилида олиб борилмоқда.

Бу ерда янги ўқув йили олдидан катта таъмирлаш ишлари бажарилди. Бундан ташқари маданият республика марказининг ёрдами катта бўлди. Заҳур қурилиш материаллари етказиб берилди.

Янги ташкил этилган устaxonа ҳам замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Акбар АЛИЕВ.

АЁЛИ БАХТЛИ ЮРТ — ФАРОВОН

Бекободда аёллар ўртасида тадбиркорлик ҳаракатини янада кенгайтириш, улар учун микрокредитлар ажратиш масалаларига бағишланган кенгаш давом этади. Нотиклардан бири тайёр маҳсулот тўпланиб қолаётганлиги, маҳаллий ҳокимликлар ҳаридор топиш, маҳсулотларни ташқи бозорга олиб чиқишга кўмаклашмаётгани хусусида зорланиб гапириб қолди. Шу пайт ўрта қаторда ўтирган аёллардан бири ўрнидан кўзгалди:

— Кечирасиз-у, дугонажон, сиз тадбиркорликни бошлашдаёқ ишингизни касодга учратиб қўйибсиз, — деди у хаяжон билан. — Бу ҳақда тадбиркорликни бошладан олдун ўйлаш, бизнес-режани пухта қилиб тузиш керак эди. Ҳокимлик бозорни ҳам топиб берсинми? Энди бу гапингиз тадбиркорга хос эмас. Узимиз ҳаракат қилишимиз, маҳсулотни ишлаб чиқаришга киришишдан аввал бозорни, эҳтиёжини ўрганишимиз керак.

Шу аснода фикр-мулоҳазаларни тинглаб туриб, мустақиллик йилларида аёлларимизнинг дунёқарашлари, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга муносабатлари қанчалик ўзгариб кетганлигини ўйлаб кетдим. Беш-ўн йил муқаддам бундангиз қизгин баҳс-мунозараларни тасаввур ҳам қилиш қийин эди. Мустақиллик, ўзлигини аниқлаш аёлларда ўз нуқтаи назарларини маънавий раҳбарлигида айтиш, янгиланиб бораётган бу ҳаётдан ўзи учун муносиб ўрин эгаллашга интилишини кучайтирди. Уларда сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий билимларни эгаллаш, муттасил бойиштиришга қизиқиш ортмоқда.

Юртбошимизнинг хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини фаоллаштириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтиришга қаратилган фармонлари ва қарорлари, аввало, «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу жараёнларда ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. Вилоятимизда аёлларнинг давлат қўрилиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини оширишга қаратилган амалий ишлар кучайтирилди. Шунингдек, кифоялик, ҳозир вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида 122, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида 4 вакилимиз фаолият кўрсатаётир. Хотин-қизлар сиёсий партиялар, бошқа ҳаракатларда салмоқли ўринга эга.

(Давоми 2-бетда).

Паркент туманида хотин-қизлар тадбиркорлик ва касаначилик билан тобора фаол шуғулланаётирлар. Фақат ўтган ярим йилда улар 5,8 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит олишди. Манзилли дастурга мувофиқ 274 аёл иш билан таъминланди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

— Яқинда ўтган пленумда бу борадаги ишларни янада кучайтириш режаларини белгилаб олдик, — дейди туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси Г. Исломова. — Умуман, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда аёллар фа-

олигини янада ошириш, она ва бола соғлигини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш йўналишлари бўйича навбатдаги вазибалар белгилаб олинди. Хотин-қизлар кўмиталари аёллар спартакиадалари, «Отам, онам ва мен — биз кучли оила» спорт мусобақаларини ўтказиб, соғлом турмуш тарзини шакллантирмоқда.

Юсуф ЖУМАНИЁЗОВ.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар «ЛОҚАЙДЛИК ҚАЧОНГАЧА?»

Ичимлик сув захираларининг ифлосланиши, техноген фалокатлар оқибатлари инсон саломатлигига жиддий пугур етказилади.

Газетамизнинг шу йил 26 июлдаги сонида юқоридаги сарлаҳа остида эълон қилинган мақолада Олмалик шаҳар «Сувоқва» ишлаб чиқариш шўба корхонасининг Сартамғали иншоотидан олинган, истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви ифлосланиб бо-

раётгани, раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, назорат бўлиши туфайли уни тозалаш жараёнларида технология меъёрлар бузилаётганлиги танқид қилинган эди.

Газетанинг шу танқидий чиқишига шаҳар «Сувоқва» шўба корхонаси директори вазифасини бажарувчи М. Маҳкамовдан жавоб хати олинди. «Мақола ишчилар ва ходимлар билан биргаликда ўтказилган йилги ишда муҳокама қилинди, — дейилади унда. — Сартамғали ва аэрация станцияси участкаларидаги ишга сувуққонлик билан қарашларга барҳам бериш чора-тадбирлари белгиланди. Ишни тўғри ташкил этган ҳолда бу участкаларда каттиқ назорат ўрнатилди.

ЯНГИ МАКТАБДА ЎҚИШАДИ

Қиррай тумани Чинобод маҳалласидаги 27-мактабда 990 нафар ўқувчи таълим олади.

Унинг сўнги йилларда анчагина таълим талаб бўлиб қолган биноси шу кунларда бутунлай ўзгарди. Туман ҳокимлиги, ҳимматли хомийлар, оқибатли маҳалладошлар кўмаги билан 20 август кунини очилиш маросимини ўтказиш мўлжалланмоқда.

— Мактаб таъмири-

га, янги биносининг қурилишига 556 миллион сўм сарфланди, — дейди мактаб директори Эркин Исмаилов. — Бу, янги ўқув йилини орзиқиб кутаяётган болалар учун Мустақиллик байрами кунларида катта тўхфа бўлиши шубҳасиз.

Сайёра РИХСИЕВА.

Ўз вазифасига билан қараганликлар учун ходимлардан Ю. Отаев ва хлоратор операторларига каттиқ ҳайфсан эълон қилинди, улардан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириш берилганди.

Янгийул шахри:

ҲАР ЖАБҲАДА ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ НАМОЁН


2. ЭЛ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТАЛАР

Янгийул кўпгина шаҳар ва туманлар қатори саноати ривожланиб, хусусий тадбиркорлик кенг кулоҳ ёзаётган ҳудудлардан бири. Айниқса, бу ерда ишлаб чиқариш ҳамда турли хизмат кўрсатиш соҳаларига берилаётган эътибор диққатга сазовордир. Шаҳардаги биргина «Янгийул полиграф сервис» корхонаси фаолиятига назар ташласак, сўнгги пайтлардаги ўзгаришлар, ривожланиш жараёнлари қўламининг кенглигига гувоҳ бўламиз.

Давлат буюртмаси асосида фаолият юритувчи ушбу корхона бир неча йилдирки, ўқув дарсликлари, турли плакатлар ҳамда канцелярия моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келади. Бундан 3-4 йил илгари ишлаб чиқариш қуввати нисбатан у қадар юқори эмасди. 2005 йилда корхона хусусийлаштирилгандан сўнг маҳсулот ишлаб чиқариш суръати ва сифати анча ошди.

Бу ниманинг ҳисобига? Корхона раҳбарлари аввало хорижий замонавий техника ва технологияларни келтириб ўрнатиш ҳаракатига тушишди. Осиё тараққиёти банкдан олинган 1,5 миллион доллар кредит ҳисобига Германиядан энг сўнгги русумдаги замонавий чоп этиш ва қирқиб устуналарни келтирилди. Барча ижобий ўзгаришлар ана шундан кейин бошланди. Буюртмачилар сони ортди, айланма маблағ кўпайиб борди. Биргина мисол: 2004 йилда корхонада 987 миллион 206 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, янги линия ишга тушган, 2005 йилга келиб қарийб 2 миллиард 559 минг сўмлик буюртма бажарилди. Бу йил эса 3 миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун шартномалар тузилган.

— Ҳозирда бу ерда 187 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган, — дейди чоп этиш цехи ишчиси Дониёр Умарқулов. — Уртача маошимиз 150 мингдан 300 минг сўмгача. Моддий манфаддорлик юқори бўлган жойда иш унуми ҳам кўнглидагидек бўларкан. Қолаверса, иш сифати ва суръати учун талаб ҳам шунга яраша. Шунинг учун бўлса керак қатъий интизом асосида ишлаймиз. Ҳозир асосан ўқув



дарсликлари чоп этилмоқда. Катта ҳажмдаги буюртма 9-синф ўқувчиларининг «Адабиёт» китобида. Ушбу дарслик қарийб 500 минг нусхада чоп этиляпти.

— Корхона ишчилари асосан бизнинг автобусларда ишга қатнашади, — дейди шаҳар автобус парк бошлиғи Жўраёв Раҳимов. — Автокорхонанинг 25 та автобуси ҳар куни шаҳар ва Янгийул тумани ҳамда қўшни вилоятлар аҳолиси хизматида.

Тошкент шаҳри ва вилоятида транспорт хизмати тартибга солиш ҳақидаги ҳукумат меъё-

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 15 йиллиги



СУРАТЛАРДА: (ўнгда)

«Янгийул полиграф сервис» корхонаси муқовалаш цехи устаси Алдиёр Асқолов иши Жаҳонгир Худойқулов билан тайёр маҳсулотни кўздан кечиришмоқда; (чагда) Ўловчи ташиш автокорхонаси хайдовчилари Бахтиёр Саидов, Алексей Беседда ҳамда корхонанинг тасарруф этиш бўлими бошлиғи Абдукамол Хожимуҳамедов йўналишга чиқиш олдидан хавфсизлик қоидалари ҳақида суҳбатлашмоқда; 2503 автокорхонанинг соловчи чилангари Абдуғаффор Исроиллов иш устида.

ситалари ҳар куни шу ерда техник кўриқдан, хайдовчилар эса тиббий кўриқдан ўтиб, йўналишларга чиқшади.

— Ҳар ойда 21-22 миллион сўм пул тушумига эгамиз, — дейди корхонанинг тасарруф этиш бўлими бошлиғи Абдукамол Хожимуҳамедов.

Шаҳардаги 2503 автожамланма асосан юк ташишга мўлжалланган. 243 та транспорт воситаси айна кунда Янгийул, Бекобод, Чиноз, Зангиота, Тошкент, Бўка туманларида етиштирилган бугдойни қабул пунктларига ташиш билан шуғулланмоқда. Биргина бугдой ўрими мавсумида корхона ана шу хизматлари эвазига қарийб 200 миллион сўм даромадга эга бўлди.

— Бундан ташқари, жуда кўп қурилиш ташкилотлари биз билан шартнома асосида ишлайди, — дейди корхона раҳбари Сирожиуддин Сайфиуддинов. — Мамлакатимиздаги бир қатор бунёдкорлик ишларида иштирок этганимиз. 2000-2001 йилларда Жиззах

вилоятидаги Арнасой сув омбори қурилишида қатнашган бўлсак, ундан аввалроқ «Шўртанга» кимё мажмуаси бунёд этишда ҳам бизнинг ишчилар камарбаста бўлишди. Бундан ташқари, Тошкент халқа йўлидаги таъмирлаш ва кўприк қурилишда муносиб улушимиз бор. Шунингдек, шу йилнинг 25 апрелидан 10 майга қадар Мустақиллик майдонидаги кенг кўламли бунёдкорлик ишларида ҳам фаол қатнашдик...

Сафаримиз давомида Янгийул шахридаги айрим корхона ва ташкилотларнинг фаолиятига бир кўр назар ташладик, ҳолос. Хали биз етиб бормаман, ўзининг ютуқларию муваффақиятлари билан кўпчиликка маълум машур тармоқлар талайгина. Энг асосийси ана шу корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар юрт мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўшаётганликларидан ғайри қўлларини шубҳасиз.

Маънавият соатлари

СЕНИ ОЛҚИШЛАЙМИЗ, ОЗОД ЮРТ

Ўтаётган ҳар бир кунимиз бизни энг азиз, энг улғу байрам — Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги нишонланадиган дамларга тобора яқинлаштироқда. Ана шу кутлуг байрам арафасида вилоятимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида маънавият кунлари, маърифат соатлари ҳамда ижодий учрашувлар ўтказилмоқда.

Республиканинг таъриқли маданият, маънавият, адабиёт ва санъат арбоблари жойларда бўлиб, истиқлол неъматлари, унинг шарофати туфайли эришилаётган ютуқлар ҳақида эл-юрт орасида очик мулоқотлар ўтказмоқдалар.

Ана шундай учрашувлардан бири Охангарон туманидаги Телов қишлоқ фуқаролар йиғинида ўтказилди. «Мустақиллик, эрк — олий бахт» мавзусига бағишланган маънавий-маърифий анжуман «Маънавият ва маърифат» маркази

вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил этилди. Маънавият-маърифат ва маданият ходимлари, оқсоқоллар, ўй бекалари, деҳқон ва борбонлар, тадбиркор ва ишбилармонлар ҳамда ёшлар хонли мулоқотдан янгина баҳра олдилар.

Тадбирни очар экан, Охангарон тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Барно Холтўраева миллий истиқлолимиз фояларини рўёбга чиқариш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий

тараққиётга охангаронликлар, жумладан, теловликлар қўшаётган хиссалари хусусида фикр юритди.

— Фақат маънавий баркамол инсонгина шу тиниқ осмонимиз остида тинч-тотув, осовишта турмуш қадрини тўла-тўқис ҳис қила олади, — деди Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов.

Воизнинг ўз ҳаёти ва ижоди мисолида юртдан мулоҳазалари анжуман иштирокчиларини жиддий ўйга толдириди. Танқидли шира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Умида Абдузимова ўзининг дилрабо шеърлари билан анжуман аҳлини ром этди.

Шавкат ҚУЛИБОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Янги қўшма корхона

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида Бекобод туманида Швейцариянинг «SART» фирмаси билан ҳамкорликда «Некспресс плюс» қўшма корхонаси иш бошлади.

Умумий лойиҳа қиймати 150 минг АҚШ долларига тенг бўлган ушбу корхонанинг маҳаллий таъсисчиси тумандаги «Далварзинтаъмир» очик акционерлик жамияти ҳисобланади. Хорижий ҳамкорлар томонидан киритилган 60 минг доллар миқдоридagi инвестиция эвазига замонавий технологиялар келтирилиб ўрнатилди.

— Бу ерда тўқимачилик ва пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот чикиндиларидан пул хомаёси — махсус мато ишлаб чиқарилади, — дейди корхона техник директори Одил Камолов.

— Маҳсулотларимиз тўлиқ хорижга экспорт қилинади.

Мазкур қўшма корхона бир кеча-кундузда тўрт минг тонна тўқимачилик саноати ва пахта чикиндиларини қайта ишлаб, минг тоннага яқин тайёр маҳсулот чиқаради. Бу кўрсаткич икки йил ичида уч баравар ортishi кутилмоқда.

Айни пайтда бу ерда йигирма нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

ЛУТФУЛЛО СУВОНОВ,
УзА муҳбири.

Аскарларимиз ҳаётидан

Танги - Ўзбекистоннинг энг чекка қишлоқларидан бири. Табиати хушхаво, тоғ ёнбағрида жойлашган. Туман марказидан анча олисда. Ҳовлилар ҳам бир-биридан узокроқ, тароқ, Қўшнингни бақириб-чақирсанг ҳам эшитиши дарумон. Бу ерларга машинада бориш ҳам мушкул. Нотекис йўللарда фақат от-улов асосий транспорт воситаси ҳисобланади.

ЭРГАШ БОБО ЧЕГАРАЧИЛАРДАН МИННАТДОР

2005 йилнинг ёзида, пешин маҳали Камолдин буваси Эргаш бобо билан далада сомон йиғиштираётганимиз. Тўсатдан захарли илон Камолдиннинг қақиб олди. Қишлоқнинг гўр йиғити беихтиёр илонни босиб олган экан...

Набирасининг тўсатдан дод-войини эшитган Эргаш бобо аввалгига хайрон бўлди, воқеани англагач эса, нима қилишини билмай, бир зум анграйиб қолди. Қўз олдида суюкли набираси ўлим билан аёвсиз олишиб, тўлганарди. Энг ақин одамнинг дардан қийналиб турсаю, сен унга ҳеч бир ёрдам кўрсатолмасанг... Эргаш бобо хозир худди шундай холга тушган.

Эргаш бобо хозир худди шундай холга тушган. Эргаш бобо хозир худди шундай холга тушган.

Бўлиб қолган шу меҳрибон чегарачилар бўлмаганида, набираларимнинг холи не кечган бўларди? Айни қариган чоғимда, айрилик азобини кўтара олмасдим. Ҳарбий ўғилларим ўзларининг беминнат ёрдамлари билан нафақат набираларимнинг, балки менинг ҳам ҳаётимни сақлаб қолишди. Очмам бошга ёғилган фалокатни аритишди. Фаровон ва бахтиёр дамларимизни яна қайтариб беришди.

— Бизнинг вазирамиз нафақат чегарани қўриқлаш, балки, биринчи навбатда, юртимизнинг ҳар бир фуқаросига кўлдан келганча ёрдам беришдир, — дейди «Хатак» чегара пости командири, катта лейтенант Бахтиёр Исаев. — Халқимизга ёрдамимизни талғатганидан, шу юртга хизмат қилаётганимиздан фахр-



бириктирилган ҳудуд атрофини кўздан кечиришга ётганди. Чўқайтган одам хаёсга ҳам ёпишад, деганларидек, бува харбийлар томон югурди.

Чегарачилар аскарларга хос ҳаракат қилишди. Шовилинч равишда Камолдиннинг туман марказий шифохонасига етказишди. Унинг ҳаёти сақлаб қолинди. Навқирон йиғит бугун, ҳеч нарса бўлмагандек, бобосининг хизматини қилиб юрибди.

Фалокат келса, қўша келди деганларидек, ордан ҳеч қанча вақт ўтмай Эргаш бобонинг термизлик набираси Отабек ҳам зиравор гўнхлар териб юрганида тоғдан кулаб тушди. Унг қўли ва қовурғасидан қаттиқ жароҳатланди. Ўзига келганда эса у мустақил ҳаракатлана олмаслиги маълум бўлди.

Бу сафар ҳам чегарачилар ёрдамга етиб келишди. Отабекнинг қил устида турган ҳаёти сақлаб қолинди. Ҳозир бобонинг иккала набираси ҳам дуркун ўсапти. Бир оилага кетма-кет ёғилган фалокат чегарачиларнинг инсонийлиги туфайли тўлиқ бартараф этилди.

— Аскар ўғилларимдан жуда миннатдорман, — дейди таъғилк Эргаш бобо кўзларига қувонч ёшлари милтиллаб. — Агар болаларимдек азиз

ланамиз. Халқинга кераклигини ҳис қилиб яшаб қандай яхши. Бу хисни туйиб яшаб ҳар бир ўзбек аскарига насиб этшини тилайман.

— Тангиликлар у-бу масалада ёрдам сўраб бизга тез-тез мурожаат қилиб туришади, — дея командирнинг гапини давом эттирди киник сержант Фарход Турсунов. — Биз ҳам имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Туну кун бизга ажратилган худудни айланма юрганимизда, қундақунора турли ҳолатларга дуч келамиз. Кимнингдир мол йўқолса ёки кимнингдир оти бирор кўлда ботиб қолса ҳам бизга мурожаат қилишади. Бундай ҳолатларга бефарқ қараб туриш биз, ўзбек чегарачиларига ярашмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳар қандай шайроғда ҳам халқимизга ёрдам беришга, кунимизнинг ҳар бир соати, дақиқаси тинч-осуда ўтшини таъминлашга масъулмиз.

Аслида ҳам ўзбек аскарини ўз юрти, халқи учун шундай хизмат қилмоғи керак.

ЮСУП БУРОНОВ,
«Халқ сўзи» газетаси,
2006 йил 12 август.)
СУРАТДА: Эргаш бобо набираси билан чегарачилар миннатдорчилик билдирмоқда.

Тақдирот «ПОТЕНЦИАЛ» — АМАЛДА

Инсон ҳаётига таҳдид солаётган гиёҳвандлик ва ОИТС касаллигининг тарқалиш даражаси кейинги пайтларда жаҳон афкор оммасини жиддий ташвишга солмоқда.

Бу касалликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш учун Жаҳон банки томонидан Марказий Осиё мамлакатларига 25 миллион, Буюк Британия Халқаро Тараққиёт Департаменти томонидан 2 миллион АҚШ доллари ажратилган. ОИТСга қарши курашувчи «Потенциал» лойиҳасига биноан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика ОИТС маркази ҳамкорлигида бу касалликнинг мамлакатимизда тарқалишига қарши бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Шундай тадбирлардан бири Тошкент вилояти жамоатчилик ташкилотлари, бевосита дахлдор бўлган мутасаддилар иштирокида бўлиб ўтди.

Ийгилишда «Потенциал» лойиҳасининг мақсад ва вазифалари — Марказий Осиёда гиёҳвандлик ва ОИТС касалликлари тарқалишига йўл қўймаклик, бу муаммони бартараф этишга сарфланадиган ОИТСга қарши курашиш жағнамсининг барқарор механизмни ташкил этиш, ажратилган маблағга, грантга эга бўлиш учун мақбул лойиҳани тақдим эта олиш, Марказий Осиёда худудий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари кўрилади.

ҲАБИБА ҚУЛМАТОВА.

Оилада тиббий маданиятни ошириш, тадбиркорлик, кичик бизнесни, хусусан, касаначиликни ривожлантиришга, маънавий турмуш даражасини кўтаришга улар салмоқли хисса қўшаётганлар. Ҳозирда вилоятимизда юзлаб аёллар хусусий ва яқна тадбиркорлик, касаначилик фаолияти билан шуғулланишмоқда. Кейинги йилларда меҳнат ва ижтимоий ҳаётда алоҳида намуна кўрсатаётган 90 дан ортиқ аёл орден ва медаллар билан тақдирланди. Уртачирчиқ туман қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг ўқув устаси Камола Пардабоева Зулфия номидagi давлат мукофотига сазовор бўлди. Вилоятимизда етти иқтидорли қиз бу юксак давлат мукофоти билан тақдирланди.

Хотин-қизлар кўмиталари бу жараённи яна ҳам кучайтиришни кўзлаб, аёллар, ўсмир қизлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни тобора фаоллаштиришмоқдалар. «Аёл — баркамол авлод мураббийи» республика кўрик-танловларида вилоятимизда вакилси Дилором Арсонова мутлак голиб деб топилди. «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, касба уюмчалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Энг намунали масолаҳатчи» кўрик-танловлари, аёлларга яратилган имтиёزلарни тарғиб қилишга бағишланган давра суҳбатлари, бизнес асослари ва меҳнат ҳуқуқларига доир савол-жа-

(Давоми. Боши 1-бетда).

воб кечалари уюштирилди. Бундай тадбирлар бевосита яшаш жойларида, маҳаллаларда ташкил этилаётган. Чунончи, Зангиота туманидаги 14-умумтаълим мактабда қизлар клуби машғулотлари ниҳоятда фойдали уятапти. Чиноз туман маданият уйдига тивувчилик тўғраги машғулотларида 40-

АЁЛИ БАХТЛИ ЮРТ — ФАРОВОН

50 хотин-қиз касб ўрганаётир. Паркент туманида фольклор-этнографик ансамбллари қатнашчилари вилоят фестивали бўлиб ўтди.

Мустақиллик байрами арафасидаги бундай ибратли саёб-ҳаракатларнинг ҳисоби йўқ. Айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, қишлоқ ҳолиларида улар учун янги иш ўринларини барпо этиш бора-бори ишлар самарали бўлиб бораёпти. 2005-2007 йилларга мўлжалланган худудий дастур амалга оширила бориб, фақат сўнгги саккиз ой мобайнида аёллар учун 8299 та янги иш жойлари барпо этилди. Янги ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжалиқларини ташкил этиш бунда асосий ўрин эгалламоқда.

Асосан аёллар меҳнат қиладиган 15 та кичик корхона учун 162,6 миллион сўм кредит аж-

ратилди. Оилавий ва хусусий тадбиркорликни бошловчи аёллар қўллаб-қувватланиб, қиска муддатда вилоят «Микро-кредит банки» орқали 38 миллион сўмдан кўпроқ маблағ бериб, 7 нафар тадбиркор аёл 44,2 миллион сўм кредит олиб, чорвачилик билан шуғулланиш, сутни қайта ишлаш цехлари

ташкил этишга киришди. Вилоят «Тадбиркор аёл» уюмаси қошидаги «Барака» кредит уюмаси 70 дан ортиқ аёлга тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кредит маблағлари ажратди.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизларни хисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, шу орқали соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида муттасил ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

Мустақиллик аёллар спортини янги, мисли кўрилмаган юксалиш боқичига олиб чиқди. Вилоятимиз хотин-қизлари жаҳон ва Осиё чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ватанимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Чунончи, кўп бора Осиё чемпионати ва халқаро турнирларнинг голиб ҳамда совриндор-

лари бўлган халқаро тоифадаги спорт усталари — академик эшак эшиш бўйича опа-сингил Севара ва Зарина Ганиева, байдарка ва каноэ бўйича Юлия Борзова, Екатерина Шурбина, Замира Жабборова, Диана Мирзақасимова, Татьяна Пўлатова, Елена Мишина, ангил атлетика бўйича Ирина Зудицина, Василина Козарская, Ольга Жоголева, Татьяна Кузнецова, Анна Ҳразаева, сузмиш бўйича Саида Исқандарова, таэквондо бўйича Алветина Ким, Наргиза Шухратжонова, от спорти бўйича Елена Чистякова мамлакатимиз терма жамоасининг негизини ташкил этдилар. Алия Исмоилова, Мария Цой, Анастасия Семибратова сингари кўпгина ёш спортчи қизлар улар билан исма-из бориб, мамлакатимиз спорт шухратини янада ошираётганлар.

Шуни мамнуният билан қайд қилиш мумкинки, бугун вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида 273 мингдан зиёд хотин-қиз хисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Улар спартакнада ва бошқа мусобақаларда ўз маҳоратларини ошириб бораётганлар. Жумладан, Қарши шаҳрида ўтган II Аёллар спартакнасида ҳам вакилларимиз вилоят спорт шухратини муносиб ҳимоя қилдилар. Вилоятимиз аёллари Ўзбекистон Мустақиллигининг 15 йиллиги кўни — энг азиз, энг кутлуг байрамининг мана шундай фаоллик билан кутиб олмақдалар, аёли бахтиёр юрт гуллаб-яшнашини амалда кўрсатмоқдалар.

Зулҳумор ЖўРАЕВА.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан ёшлар тарбияси, соғлиги, ижтимоий муҳофазаси ҳамда таълим-тарбияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган ярим йил давомида 742 минг 335 нафар 14 ёшга тулмаган болаларнинг ҳозирги кунгача 73 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди.

«2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурида белги-ланган ривожланишда турма нуқсонли бўлган болаларга тезкор тиббий ёрдамни жорий этиш бўйича амалий ишлар олиб борилди. Масалан, вилоят «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамкорлигида шу йилнинг ўтган орти ойда тугма нуқсонли бўлган 31 нафар ногирон бола даволанган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда вояга етмаган болаларнинг назоратсиз ва қаровсиз қолишлари, бу муҳитда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни ҳамда қизлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш бўйича 42 та савол-жавоб кечаси, ОИТС ва гиёҳвандликка қарши курашиш борасида 765 та маъруза, 9918 та сўхбат, радио орқали 19 та эшитириш, 2 та телекўрсатув, 96 та савол-жавоб кечаси, «Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари» ҳақида 1286 та маъруза, 5273 та сўхбат, 65 та савол-жавоб кечаси, 27 та саломатлик бурчаги, «Соғлом турмуш тарзига эришайлик» мавзусида уч мингта маъруза, 22 та савол-жавоб кечаси, Бўстонлик туманидаги 5-, Ўрта-чирчиқ туманидаги 59-, 21-умумтаълим мактабларида «Зарарли одатлар-

нинг олдини олайлик» мавзусида учрашувлар ўтказилди. Соғлом оилани шакллантириш, қизларни оилага тайёрлаш мавзулари ҳам эътибордан четда қолмапти.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ва бошқа

ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ҳамкорликда ўқувчи ёшлар ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда ғолиб чиққан Ангрен педагогика коллежи жамоаси шу йилнинг 4-6 май кунлари Навоий шаҳрида бўлиб ўтган республика босқичида қатнашиб, фахрли 3-ўринни эгаллади.

Чирчиқ олимпия захи-

ишироқида барча академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари иштирокида «Ёшлар ўртасида маънавий муҳитни соғломлаштириш» мавзусида очик мулоқот ўтказилди. Унда вояга етмаган ёшлар орасида учраётган турли муаммолар ҳақида фикр алмашилди.

Бундан ташқари Пар-

ўтказиб келинмоқда. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан 351 нафари турли кўринишда ҳуқуқбузарликлар содир этганликлари учун жойлардаги ички ишлар идоралари рўйхатига олинган. Бу тоифадаги ўқувчилар билан яққа ва гуруҳ таркибида тарбиявий-профилактик ишлар йўлга қўйилган.

Олиб борилган амалий ишлар натижасида жами 383 нафар вояга етмаганлар ва 120 нафар фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар ҳисобга олинди, улардан 176 нафари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47-моддаси асосида маъмурий жавобгарликка тортилди. Шу тоифадаги ота-оналардан 8 нафарига суд томонидан муомала лаёқати чекланиб, 29 таси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг иш режаси ҳамда вилоят прокуратураси билан биргаликда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида қаровсизлик ва назоратсизлик, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, гиёҳвандлик, ОИТС, терроризм ва диний экстремизм каби иллатларнинг олдини олиш мақсадида қўшма дастур ишлаб чиқилган. Шу асосда тегишли идора ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда изчил амалий иш олиб борилмоқда.

Ахбор АСКАРОВ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби.



ОЛМАЛАР — ЎЗИМИЗНИНГ БОҒДАН

Қибрайлик Сабура Соатова чинакам боғ шайдоси. Шу боис ўзи меҳнат қилаётган ширкат ҳўжалиги тугатилиб, фермер ҳўжаликларига айлантирилаганда мулкдор бўлиш истагида биринчилардан бўлиб ариза берди.

Бугун унинг ихтиёрида 6 гектар олмазор бор. Ҳозир, айни пишиқчилик палласида боғбоннинг боғида иш қизгин, ўртаки олмалар фарқ пишган. Бугунгача «Истиқлол — давр зийси» агрофирмаси билан шартнома асосида шаҳар бозорлари ва қайта ишлаш корхоналарига 60 тоннага яқин сархил ҳосил етказиб берилди.

СУРАТЛАРДА: Сабура Соатова қизи Сурайё билан теримда; Қибрай туманидаги Янги Тошкент консерва заводида маҳаллий фермерлардан кунга 70-80 тоннагача маҳсулот қабул қилинмоқда.

Фазлиддин АБДУРАСУЛОВ олган суратлар.



КЕЛАЖАК — СОҒЛОМ БОЛАЛАР ҚЎЛИДА

давлат идоралари ходимлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси вакиллари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамай, вояга етмаганлар, шу жумладан касб-хунар коллежлари ўқувчилари орасида ўз жониға қасд қилиш ҳоллари қайд қилинган. Ушбу ҳолатлар тўлиқ ўрганилиб, олдини олишга қаратилган вази-рлар ижроси кучайтирилди.

Вояга етмаган ёшларнинг буш вақтларини мазмунли ва мақсадли ўтказиш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Янгийўл тумани «Гулбахор» саноат касб-хунар коллежида «Қамолот» ёшлар ижтимоий

ралари касб-хунар коллежиди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан ўрта умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг академик лицейи ва касб-хунар коллежларига жалб қилиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш ҳамда таълим муассасалари ўқув устaxonаларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, ёдгорликлар ва бадий буюмларнинг кўргазмасига бағишланган «Маҳорат — 2006» анжумани ўтказилди. Унга вилоятнинг барча таълим муассасаларидан ўқувчиларни жалб қилинди.

Тошкент Давлат аграр университетини қошидаги Қибрай академик лицейида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, хотин-қизлар кўмитаси вакиллари

кент туманида ногирон болалар ўртасида халқаро «Мафтункор ранглар дунёси» вилоят кўрик-танлови ўтказилди. Унда танловнинг туман-шаҳар босқичлари ғолибларидан 63 нафари иштирок этди. Танлов якунларига қўра, ғолиб бўлган 8 иштирокчи Юкоририччиқ туманида Марказий Осиё ногирон болалар ўртасида ўтказилган XXI халқаро бадий танловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Вилоят ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида «Ҳаёт мазмуни ва мақсади», «Оилада бола тарбияси», «Балоғат ёши ўтган даври», «Қимдан ўрнатилган экан?» ва «Ким бўлсам экан?» каби мавзуларда жойлардаги маҳалла фаоллари, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсонлар ҳамда шифокор мутахассислар иштирокида турли учрашувлар, мунозара ва давра сўхбатлари

Янгийўл шаҳри: ҲАР ЖАБҲАДА ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ НАМОЁН

3. МАНЗИЛДАРДА АКС ЭТГАН ЖИЛО

Истиқлол айёми арафасида вилоятимиз шаҳар, туманларида ижтимоий аҳамиятга эга янги объектларни фойдаланишга топшириш аънаанага айланиб улгурди. Бежирим кўринишдаги гузарлар, чойхоналар, тураржой бинолари шулар жумласидандир.

Янгийўл шаҳрида ҳам Мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида бир қатор янги биноларнинг фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Шаҳар марказидаги «Йўлдош ота» ресторани ана шундай мустақиллик объектларидан бири.

— Анчадан буён шу хайрли ишга қўл уриш ниятида юрардим, — дейди хусусий тадбиркор, ресторани раҳбари Гулсара Қўчқорова. — Бугун шу мақсадга эришдик. Аҳолининг яхши кунлари, тўй-ҳашамларида, маъракаларда хизмат қилаётган мўъжазгина ресторани куриб битказдик. Ҳозир орасталаш ва жиҳозлаш ишлари борапти. Байрам кунини катта тантаналар билан очишни кўзлапмиз.

Шаҳарда бундан ташқари жуда кўп таъмир-таъриқ ишлари давом этмоқда. Хусусан, 2004-2009 йилларга мўлжалланган давлат дастурига мувофиқ қатор умумтаълим мактабларида капитал таъмир ва реконструкция ишла-

ри бормоқда. Жумладан, 5-умумтаълим мактаби биноси тўла таъмирдан чиқарилмоқда. Бунинг учун 127 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Шунингдек, 10-, 15-мактаб бинолари капитал реконструкция қилинмоқда. 10-мактаб биносиди барча курилишлар якунланиб, сўнгги пардозлаш ишлари бормоқда. 15-мактаб биносиди эса қозонхона курилиши давом этмоқ-



да. 2006-2007 ўқув йилларида болалар ушбу янги биноларда билим олишади.

Курилишларда «Висотник», «Ишонч», «Шамс» каби курилиш ташкилотлари катта ташаббус кўрсатишди. Бунёдкорлар объектларда тез ва сифатли иш бажардилар. Биноларнинг ташқи ва ички кўри-нишлари замон талабига тўла жавоб беради. Муסיқа мактаби ҳам қайта таъмирланиб, замонавий масканга айлантирилди.

Шаҳар аҳолисини узлуксиз табиий газ билан таъминлаш, айниқса, қиш мавсумида уни бир метрда тақсимлаш кўпдан буён муаммо бўлиб келар эди. «Янгийўлгаз» филиали ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда. Хусусан, шу йил шаҳардаги Нодирабеғим маҳалласи ва Анорқулов даҳаларига ўрта босимли газ қурилари тортилди. Газ босимини тартибга солувчи курилма ўрнатилди. Шу йилнинг учинчи чоригида Самарқанд, С. Раҳимов номи кўчаларда ўрта босимли газ қурилари халқалаш мўлжалланган.

Шаҳардаги деҳқон бозориди ҳам катта бунёдкорлик ишлари бажарилди. Қўшимча 100 дан зиёд савдо расталари

куриб битказилди. Янги павильон иш бошлади. Байрам арафасида атрофни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, айниқса авж олди. Маҳаллалар, қорхона ва ташкилотларда ҳашарлар уюштирилмоқда, дарахтлар оқланиб, кўп қаватли уйлар атрофлари тартибга келтирилмоқда.

СУРАТЛАРДА: янги куриб битказилган «Йўлдош ота» ресторани шаҳар кўригида кўрк бўлиб қўшилди; 15-мактаб қайта реконструкция қилиниб, янги ўқув йилига тахт қилинди.

Жиноятга жазо муқаррар

АЛОҚА КАБЕЛИ ЎҒРИЛАРИ

Икки кишининг боши қовушса, тоғни ағдариб, йўл очиши, дарахт экиб, боғ барпо этиши мумкин. Ҳамма нарса, ўша одамларнинг ниятлари, орзу-умидларига боғлиқ. Лекин меҳнатга бўйин ёр бермасанми? Ният енгил-елли ҳаёт кечиршидан иборат бўлсанми? Орзулари оппа-осон жарақ-жарақ пул топиб, тараллабедод ҳаёт кечиршидан нари ўтмасанми?

Чирчиқ шаҳрининг Янги Жалаер маҳалласида яшовчи Бахтиёр Усмонбоев кўп фурсат меҳнатга бўйин эгмай юрди. Ёши ҳам ўттиз бешга яқинлашиб қолганига қарамай, бирор эпни ишга қўл урмади. Аммо ҳар қадамда пул керак. Пул бўлмаса, кун қўрқмайсан. Бахтиёр эса кун кўришини эмас, тараллабедод яшашни орзу қиларди.

Ҳаётининг янги йўлига, таваккалчи манзилига етиб оларкан. Бахтиёр ҳам таваккал қилди, тезкор мўмай пул топиш ҳаракати тушди. Шу маҳаллада яшовчи Ҳайитмухаммад Бадалов, Миродил Бадалов, Алишер Жўрабоев сингари ёш-ялангларни атрофига тўплади. Уларга Товоқсойда яшовчи Фахриддин Раҳимбоев қўшилди.

Улар кўп ҳам уйлаб ўтиришмади, алоқа кабелларини кесиб-кесиб «гумдон» қила бошлашди. Қисқа муддатда Фазалкент телекоммуникация тармоғининг ўзидан 2,5 миллион сўмлик қимматбахо ка-

белни ўғирлаб, сотиб юборишди. Лекин Бўстонлик туман ички ишлар бўлими тезкор гуруҳи кабель ўғирларининг изига тушди. Улар воқеа устида қўлга олинди, жиноят иши қўзғатилди.

Афсуски, бундай ҳодисалар оз эмас. Кейинги пайтда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг шаҳарлараро алоқа корхонаси ва «Тошкент телеком» филиалларига қарашли магистрал алоқа кабелларини ўғирлаш ҳодисалари бот-бот юз бормоқда. Натижада, алоқа корхоналари катта зарар кўриб, алоқа хизмати издан чиқаетир.

Вилоят бўйича етти ой ичида магистрал ва абонент алоқа кабеллари тармоқларида 411 мартаба шундай ўғирлик содир этилиб, алоқа корхоналарига 53 миллион сўмдан зиёд моддий зарар етказилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг тезкорликлари натижасида 197 нафар шахс алоқа иншоотларига зарар ет-

казганлиги, рангли металл қабул қилиш ва сотиш билан шуғулланганлиги учун айбдор деб топилиб, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилди.

Чунончи, «Тошкент телеком» филиалининг Тўйтепа телекоммуникация тармоғига қарашли «Авангард» участкаси бригадирини Ж. Содиқов шериғи Б. Аҳмедов билан жиноий иш устида қўлга олинди. Улар Ўрта-чирчиқ туманидаги телефон алоқа кабелларини ўғирлашга эди. Икки жиноятчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Ангрэн шаҳрида эса, шундай «иш» билан шуғулланган Х. Ҳўрозов ва К. Ҳамроқулов бу гал маъмурий жавобгарлик билан қутулиб қолишди. Улар ҳам алоқа кабелларини ўғирлаб, 650 килограмм рангли металл олиб-сотиб билан шуғулланишганди.

Қалтис қадам қўйишдан олдин уйлаш керак, зеро, ҳеч бир қилмиш ис-сиз қолмайди. Атрофига ўзи каби тақасалтанларнинг тўплаб, ўғирлик ва бошқа эгри кўчаларга кирган борки, албатта, жазосини олади.

Жўрабек МУРОДОВ.

САЛОМАТЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Тошкентдаги Фафур Ғулмониди маданият ва истироҳат боғида «Экосан» халқаро ташкилоти ташаббуси билан «Иссиқ иқлим шароитида турмуш тарзи ва саломатлик масалалари» мавзусида учрашув ўтказилди.

Тадбирда иссиқ иқлим шароитида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, тўғри овқатланиш, кийиниш, кун тартибини режалаштириш, кекса ёшдаги кишилар саломатлигига иссиқ иқлимнинг таъсири ва уларни муҳофаза қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда республика Хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси, «Экосан» фаоллари, «Маҳалла» жамғармаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Фанлар академияси вакиллари иштирок этди. Тадбир давомида манзарали боғдорчилик ва гулчилик очик турдаги жамоа ҳўжалигига «Экосан» дипломи ҳамда 1,5 миллион сўмлик халқ истеъмоли молларидан иборат ёрдам топширилди.

Хуршида НАЗАРОВА.

Навоий Давлат кончилик институтининг Олмалик кон-металлургия факультети қуйидаги кафедралар бўйича вакант лавозимларга танлов эълон қилади:

- Кафедра мудири:** кончилик иши ва кончилик электрмеханикаси (1)
 - Профессор:** кончилик иши ва кончилик электрмеханикаси (кончилик иши) (1)
 - Доцент:** кончилик иши ва кончилик электрмеханикаси (кончилик электрмеханикаси) (1)
 - Катта ўқитувчилар:** кончилик иши ва кончилик электрмеханикаси (кончилик электрмеханикаси) (1), металлургия (физика) (1), гуманитар фанлар (1)
 - Ассистентлар:** кончилик иши ва кончилик электрмеханикаси (кончилик электрмеханикаси) (1), металлургия (1).
 - Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.**
- Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Олмалик шаҳри, А. Темур кўчаси, 56-уй, 214-хонага мурожаат қилишлари мумкин.
- Мурожаат учун телефонлар:** 8 (261) 9-57-62, 4-14-47.

Янгийул шаҳри:

ҲАР ЖАБҲАДА ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ НАМОЁН

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 15 йиллиги


4. ЮКСАЛИШ БОСҚИЧИ

Шаҳарда ижтимоий соҳалар бўйича олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва болалар спорти барқарор ривожланиб бормоқда. Бинобарин, Янгийул азалдан мамлакатнинг илм-фан соҳаси ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келади. Чунки, эл таниган олимлар — профессорлар Эргаш Фозилов, Халил Йулдошев, Исмоил Соифназаров, академик Алибек Рустамов айнан шу замин фарзандларидир.

ларга мослаб жиҳозлашга ҳам катта эътибор берилмаётган. Жумладан, 4-умумтаълим мактаби Осий Тараққиёт банкининг грантига сазовор бўлиб, масофадан ўқитиш марказига айлантирилди. Шунингдек, физика, химия хоналари учун жиҳозлар келтирилди. Шаҳар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни

шерлик мажмуаси, болалар юкмули касалликлар шифохонаси ҳамда теританосил касалликлари диспансерида 1445 нафар тиббиёт ходимлари, шу жумладан, 217 нафар олий маълумотли врачлар, 1214 нафар ўрта тиббиёт ходимлари аҳоли саломатлигини мустақамлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

— Шаҳримиз аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатишда тизимда яратилаётган шарт-шароитлар кўл келмоқда. — дейди марказий шифохона бош шифокори Валишер Абдуллаев. — Шаҳар даволаш-профилактика муассасалари нафақат



СУРАТЛАРДА: Марказий шифохона тез тиббий ёрдам бўлими раҳбари Дониёр Абдуқаримов ва ҳамшира Маъмура Бахриддинова ташхис қўйиш пайтида; қайта ташкил қилинган мақом гуруҳи ижрочилари Мухторжон Пулатов ва Курбанбой Хусанов; «Заррин япроқлар» фольклор жамоаси сахнада.

— Таълим-тарбия ўта мураккаб, кенг қамровли жараён, — дейди халқ таълими бўлими мудири Шукр Хошимов. — Айни кунда шаҳримизда 12 та умумтаълим мактаби, 17 та мактабгача ва 3 та мактабдан ташқари таълим муассасалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ўқувчилар ижодиёт маркази мавжуд бўлиб, ўқув дарслари ва таълим-тарбия жараёнлари янги технологик услубларда ташкил этилган. Хусусан, 5-, 8-, 10-, 15-, 18-умумтаълим мактаблари, 1-, 6-мактабгача таълим муассасаларидаги ўқитиш жараёнлари таълим-тарбияни такомиллаштириш, унинг сама-



радорлигини ошириш, мактаблар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ислохотларга яққол мисол бўла олади. СINF хоналарини фан-

янада такомиллаштириш юзасидан қурилаётган чора-тадбирлар ҳам бугун ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Бугунги кунда шаҳар марказий шифохонасининг аку-

маҳаллий аҳолига, балки бизга қўшни бўлган Зангиота, Оккупон, Чиноз, Қўйичирик туманларидан келадиган дардмандаларга ҳам тез ва сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳар ижтимоий ҳаётини маданият ва спортсиз тасаввур қилиш қийин. Ешларни бу соҳаларга кенгрок жаб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Еш спортчиларнинг турли халқаро ва маҳаллий мусобақалар, кўрик-танловларда фахрли ўринларга эришаётганлиги айнақса, қувонарлидир. Масалан, Республика олимпиадасида 10-умумтаълим мактабининг 11-сINF ўқувчиси М. Миннинг фахрли ўрин эгаллагани, спортнинг гимнастика тури бўйича 8-сINF ўқувчиси Эмрина Абдувалиеванинг Германияда бўлиб ўтаётган мусобақага йўланмани қўлга киритгани бу борадаги ютуқлардан бир шигили, холос.

Айни кунда шаҳар марказий маданият уйида «Заррин япроқлар» фольклор жамоаси, «Умид» театр студияси, «Дилхирож» ракс дастаси ва кўплаб бадиий тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда. Ўтган беш йил мобайнида ушбу жамоалар вилоят ва республика миқёсда бўлиб ўтган кўрик-танловларда нуфузли ўринларни эгалладилар.

Дарҳақиқат, Мустақилликнинг хар бир лаҳзаси Янгийул шаҳри ва янгийулликлар ҳаётида ўчмас из қолдиришда. У берган имкониятлар кўп қатори шаҳар аҳлини ҳам порлоқ истиқбол сари дадил одимлашга даъват этмоқда.

Раъшан ЁҚУБЖОНОВ, Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, Мўмин ИБODOV, Даврон АҲМАД (суратлар), «Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари.

Орамизааги одамлар

ҲАҚИҚИЙ ЭРКАК

Аслида ўйлаб кўрсангиз, ҳаётда хар бир инсоннинг умр йўли ўзига хос. Бир-бирига ўхшамаган тақдирларнинг бу дунёда излагани — Бахт! Инсон бахтли яшашга интилиб келган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Тўғри, бахтнинг йўли кафтдек текис эмас, унга осонликча эришиб бўлмайди.

Пскентлик журналист, ажойиб қалам соҳиби Со- биржон Иномов ҳақида ўйлаб ўтириб, шу фикрлар ҳаёлимдан ўтди. Кейинги йилларда вилоятимизда адабий жараён бироз хонланди. Ижодкорларимизнинг бири-биридан гузал асарлари ўқувчилар қўлига бориб етмоқда. Бу қувонарли ҳодиса. Улар ичида Собиржон ака ҳам бор. Унинг ўтган йили «Кўмса» хикоялар тўплами чоп этилган бўлса, бу йил унинг «Наҳот кўпруги» деб номланган янги асари ўқувчилар қўлига те- ди.

Асар қаҳрамонлари сиз билан биз хар куни бирга яшаб, бирга умр кечираётган ёнимиздаги одамлар. Лекин мен бугун Собиржон аканинг ижодидан кўра, унинг ҳаёти ҳақида кўпроқ гапирсам деган- дим. Чунки, бундай ирода- ли, вафодор ва самимий одам хар қадамда ҳам у- райвермайди.

Бундан 33 йил муқаддам Собиржон ака билан Сайёра опанинг бахт тўйлари бўлиб ўтганда, ҳамма билдирилган тилақлар қатори «энг қийин давларда ҳам бирга бўлинглар», деган ниҳат ҳам ўтди. Мен бир шеъримда «Хар кунинг синовдан қолган фойдадир», деб ёзганман. Ўйлаб кўрсам, инсоннинг бутун умри синовдан иборат экан. Ҳаёт Собиржон ака- ни кўп синовдан ўтказди. Оёғида юрган меҳрибон аёли дард туфайли тўша- ка миҳлини қолди. Шунга ҳам 25 йил бўлибди.

Шунча йилдан бери аёлини ардоқлаб, кўнглини ўқитмай, фарзандла- рига ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбия бериш, меҳр улашиш, биродарлар, уна-мунча эркакнинг қўли- дан келадими?

Чорак аср аёлининг озгидан чиққан хар бир га- пини маъқуллаб, дардига

албатта, даво топилишини бир кунда юз марталаб қайтаришга ҳаммамизнинг ҳам иродамиз етармикан, дустлар?!

Сайёра опанинг ҳам асли касби журналист. Улар Собиржон ака билан уни- верситетда танишишган.

Мен ҳаётда йиллаб тўшака миҳлини қолган эрларига парвона бўлиб, ёш умрини кексалликча буриб бorgan сadoқатли аёллар ҳақида кўп эшит- ганман, ўзим ҳам гувоҳи бўлганман. Уларни жанна- ти деб алқанганман. Абду- ла Ориповнинг аёл ҳақидаги шеърларини кўрагимни тўлдириб юз бора айтиб берганман.

Игирма беш йил аёли- га парвона бўлган эркак ҳақида шеър тополмадим. Зотан Собиржон акага ўхшаган одамлар ёнимиз- да яшаб келади.

Улар биргаликда тўрт нафар фарзанд кўришди. Қувонарлиси, фарзандла- рининг ҳаммаси олий маъ- лумотли. Собиржон ака уларни ўқитай деб, кетмон чопди, узум еттиштирди, бозордан тушмади. Ишга келиб ижод қилди, «Пскент ҳаёти» газетаси топи- рикларини бекаму кўст ба- жарди. Аёлим касал деб нолимади, менга қийин бўлди, деб йилламади. Ҳамиша лабида кулгу би- лан яшайди.

Мен ҳам узoқ йиллар та- бассуми доимо очик бу одамнинг кўнглида шундай катта Дард борлигини бил- мас эканман. Эшитганим- да, шундай эркаклар бор- лигидан тўғриси, қувон- дим. Йигит киши шундай бўлиши керак!

Аёлни қафтига олган Сadoқат, Мен айтган сўзларни йўйма эртакча. Сингилдай қўлингни елвага қўйиб, Таъзим қил, йилламай турган Эркакка! Ҳамид НОРКУЛОВ.

Шунааи кейин

ҲАЙДОВЧИ АНГЛАЙ ОЛМАЯПТИ

РАТА-ТАСС хабарига қараганда, Германиянинг Бомте шаҳри маъмура- лари Европа Иттифоқининг аҳоли яшайдиган худуд- лардаги ортика йўл бел- гиларини муомаладан чи- қариш тўғрисидаги ло- йихада иштирок этишга қарор қилди.

Автомобиль йўллари- нинг бири-бирига зид бел- гилар билан тўлиб кетга- ни шундай ташаббусга туртки бўлди. Белгилар- нинг ҳаддан зиёд кўплиги ҳайдовчиларни чалғит- моқда. Умумгерман авто- клуби маълумотларига кўра, Германия Федера- тив Республикаси йўлла- рида тахминан 20 милли- онта белги мавжуд. Бош- қача айтганда, хар 28 метрга биттадан белги тўғри келади.

HONDA САМОЛЁТЛАРИ

Япониялик тиниб-тин- чимас мутахассислар яна бир ишга қўл уришди. Дунёга машур Honda компанияси яқин вақт ичида самолёт чиқармоқчи.

Honda маъмурияти яқинда Piper Aircraft компанияси билан келишув- га эришди. Улар бирга- ликда яқин масофага уча- диган HondaJet русумли кичик самолётлар ишлаб чиқарадиган бўлди. Ушбу ҳаво кемаси бошқа самолётларга қараганда анча тежалли бўлиб, ати- ги етти йўловчини ман- зилига етказиши мумкин.

25 МИЛЛИОН СЎҚҚАБОШ

Хитойнинг демографи- ки ривожидagi номутона- сиблик ҳукуматни жид- ди ташвишга солмоқда. «Чайна дейли» газетаси- нинг ёзишича, мамлакат- да туғилаётган ўғил ва қизлар сони ўртасидаги нисбат ҳозиргидай қолса, 2015-2030 йиллар оралиғида 25 миллион хитойлик эркакнинг сўққа- бош бўлиб қолишига тўғри келади.

Шу муносабат билан демографик сиёсат ва ту- филишни режалаштириш бўйича давлат қўмитаси 2003 йил махсус дастур ишлаб чиққан эди. У қиз фарзанд тарбиялаётган оилаларга моддий ва бошқа шаклдаги ёрдам беришни назарда тутди. Бу ташаббус туфайли уч йил олдин Хитойнинг энг «муаммоли» 24 туманида 134 ўғилга 100 қиз тўғри келган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 119 га 100 ни ташкил этаётди.

Ер ресурслари ва дав- лат кадастри бошқармаси томонидан 1999 йил 4 ию- нда Имомов Алишер Турды- пулатович номига берил- ган Мирзо Улугбек тумани- да жойлашган 9-81/99 ра- қамли бино ҳамда 3217379214 рақамли ер кадастр ҳужжатлари йўқолиши сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Уважаемье господа предприниматели!

ООО «DELTA TRADE BIZNES» предлагает вам посетить аукционные торги, которые будут проводиться 20 сентября 2006 года в 10.00 по адресу: Шайхантахурский р-н, Ц-14, дом 19. На аукцион- ные торги будет выставле- но двухэтажное админи- стративное здание: офис, общей площадью 1034 кв.м., находящееся по адресу: город Ташкент, Яккасарайский рай- он, ул. Махмуда Таробий, 4-й проезд, дом 10.

Стартовая цена объек- та — 30 055 600 сумов. Для участия на аукцион- ных торгах по покупке недвижимого имущества необходимо внести закл- ад в размере 10 % от стартовой стоимости объекта. Принятие заявок для участия прекращает- ся за 1 час до проведе- ния торгов. В случае, если выставленный объект не будет продан 20 сентября 2006 года, то следующие торги будут проведены 27 сентября и 4,11,18, 25 октября 2006 г. в 10.00.

Для получения ин- формации обращайтесь по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский р-н, Ц-14, дом 19. Тел.: 144-88-02, 131-98-60.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги жамоаси коммунал хизмат соҳасида кўп йиллар раҳбарлик қилган меҳнат фахрийси

Ҳамидулла АҲМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзо- лари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

«Тошкентвилоятгаз» худудий газ таъминоти корхо- наси жамоаси меҳнат фахрийси **Ҳамидулла АҲМЕДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзо- ларига чуқур таъзия изхор этади.

Ҳаёт сабоқлари

ОҚИБАТ

Унинг бошига катта ташвиш тушиб қолди. Укасининг аҳоли танг. Ўзидан кейингилар- нинг ҳамма муаммою ташвиш- ларига мудом қалқон бўлиб келаётган бу аёл туғишганини чоҳдан чиқариб олиш учун жо- нини беришга ҳам тайёр эди.

Бир кун ҳамкасб дугона- сидан қарз сўради. «Хозир уйда пул йўқ эди, уэр», деган ҳам- касби ордан салгина фурсат ўтмай ёнидаги аёлга юмшоқ мебель олиш учун озгина пул жамғариб қўйганини айтиб қолди. «Дўстингман деб, тева- рагингда юрганларни бошинг- га қора кун тушганда синаш керак, деганларни рост экан», деди у азбаройи дили оғриб.

Бу даргоҳга ишга киргани- га эндигина уч кун бўлиб, ях-

широқ танишиб улгурмаган ҳамкасиб унинг нимадан си- қилаётганини эшитиб: «Сизга нима учун пул керак, нега мен- га айтмадингиз. Эртага илга- рити ишонамдан меҳнат таъ- тилимининг ҳамда болаларим- нинг уч ойлик пулларини олиш- ни керак. Оламан-у, сизга бераман», деди куюнчақлик билан ва шундай қилди.

Ордан йиллар ўтиб, вази- ят бутунлай ўзгарди. Ишлари юришиб кетган аёл бир пайт- лари эса жавобсиз қолаверди. Этигилган эгилгин, бошинг ерга теккунча, деган гап бор ахир.

Беш яшар Мархабо кўчада ўйнаб юриб, кечаги маърақа- дан сўнг хали йиғиштирилма- ган ўчоқдаги қоракча билан тенгдош амакивачаси Сева- ранинг юзини бўяб ташлабди. Фақат қўзинга яттиллаб тур- ган кизининг аҳолини кўрган онаси дод солиб бақирди ва овсинининг «тарбиясиз» қизи- дан бу қилимиши учун ў олди.

— Нима учун унинг бетини қорага бўядинг, сенга ўхшаб отаси ўлганмиди, унинг юзи қора бўлса, — деди у Марха- бони сийлаб. Бу гапни эшит- ган қайнона катта келинининг олдига чикди.

— Бу нима деганинг, ўлим қачондан бери бети қаролик- ча кирадиган бўлиб қолди, ўлимдан қолган яра хали бит- гани йўқ, сен яна бунақа гап

қилсанг, — деди у йилгаб. Кечкурун ишдан қайтган кич- кек келинига бу ҳақда айтиб берган эди, хар доимги муло- ҳазали келин бу сафар ҳам оғирлик қилди.

— Сен қанақа келинсан ўзи, ҳалимлик ҳам меъери билан- да, устингга бостириб келиш- са ҳам индамай ўтираверсан, — деди кун бўйи йилгайвери- б кўзлари шишиб кетган қайно- на. Бу гапларнинг устига ки- ribs келган катта ўғил ҳамма гапдан воқиф бўлди-ю, хоти- нини алампдан чиққунча дўппослади. Ахир, марҳум ҳақидаги гап унга ҳам бегона эмас эди-да. Кейинги пушай- мон ўзингга душман, деганла- ри шу бўлса керак.

Гулсара УБАЙДУЛЛА кизи.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

Мамлакат чемпионати олий табақа жамоаларидаги 19-тур учрашувларини ўтказдилар. Вилотимиз шарофини ҳимоя қилаёт- ганда «Металлург» ўз майдон- нига Тошкентнинг «Трак- тор» жамоаси билан баҳс юритди. Бу жамоаларнинг биринчи даврадаги учрашувда 1:1 ҳисоби қайд этилган эди.

Ҳаётнинг дастлабки дақиқаларида ҳужумга зўр берган «Металлург»чилар меҳмонлар дарвозасини ишғол қилиб, ҳисобда ол-

динга чиқиб олган бўлса- ларда, ўйинни 1:2 ҳисоб- ыда бой бердилар. «Трактор» бу ғалабадан сўнг ўз ҳисобидаги очко- лар сонини 30 тага етказиб, жадалдаги кучли олтиликдан жой сақлаб қолган бўлса, «Металлург» чемпионатда ўйинчи бор мағлубиятга учраб, 17 очко билан 14-ўринни эгаллаб турипти. Янги бош мураббий Шамиль Толиповнинг

жалб этилиши ўйинда ижобий ўзгаришларга олиб келмади. Клуб раҳ- барлари жиддий режа тузиб, ўзгалри ясамасал- лар, «Металлург» кейинги мавсумни биринчи таба- қада ўтказиши мумкин.

Турнинг бошқа учра- шувларида қуйидаги на- тижалар қайд этилди: «Хоразм» — «Пахтакор» — 1:9, «Қизилқум» — «На- саф» — 0:0, «Нефтчи» — «Шўртан» — 2:1, «Машъал»

«МЕТАЛЛУРГ»НИНГ ЎНИНЧИ МАҒЛУБИЯТИ

— «Сўғдиёна» — 3:0, «Нав- баҳор» — «Локомотив» — 3:0, «Динамо» (Самар- канд) — «Тўпаланг» — 2:0, «Бухоро» — «Андижон» — 0:0.

Навбатдаги 20-тур уч- рашувлари 18 августда бошланади. «Металлург» жамоаси 19 август — шанба куни Фарғонада «Нефтчи»га қарши майдонга туша- ди.

Талъат ЮСУПОВ.


ПОЛВОНЛАР МАҲАЛЛАСИ

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан Паркент туманида 7 ёшдан 70 ёшгача бўлганлар ўртасида «Маҳалламиз паҳла- вонлари» спорт мусобақалари ўтказилди.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлимлари ҳомийлигида ўтган мусобақаларда «Бешкапа» ва «Телман» маҳаллала- ри паҳлавонлари ўзaro беллашиш-

ди. Яқуний натижаларга кўра, «Тел- ман» маҳалласи вакиллари ғалаба қозонди. Уларга ҳомийлар томони- дан таъсис этилган қимматбаҳо со- вғалар топширилди.

СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар. **Еркебой БОТИРОВ** олган суратлар.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОҚИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
133-40-48.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги ҳузурисидаги **Матбуот** ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва бил- дирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун ре- лама ва эълон бе- рувчилар масъул- дир.